

Ҳаж ва умранинг фазилатлари

«Мухтасар ал-фикҳ ал-исламий» китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Муҳаммад ибн Иброҳим
ат-Тувайжирий



Мутаржим: Абу Абдуллох Шоший
Муҳаррир: Абу Муҳаммад Али Бухорий

فضائل الحج والعمرة

مقالة مقتبسة من كتاب مختصر الفقه الإسلامي

[الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча]



محمد بن إبراهيم التويجري



ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: أبو محمد علي البخاري

Ҳаж ва умранинг фазилатлари



➤ Зулҳижжа ойининг ўн кунлигининг фазилати:

Ибн Аббос разияллоху анхумо Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилди. У зот соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳеч қайси кунда қилинган солиҳ амал ушбу ўн кунда қилинган солиҳ амалчалик Оллоҳга суюкли эмас». «Ё Расулуллоҳ, Оллоҳ йўлидаги жиҳод ҳамми?» — сўрашди саҳобалар. «Ҳа, Оллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам! Фақат моли-ю жони билан жиҳодга чиқиб, бирор нарсаси билан қайтмаган киши (яъни, моли ҳам, жони ҳам ўша ерда қолиб, ўзи шаҳид бўлган киши) бундан мустасно», дедилар (Имом Бухорий ривояти)¹.

➤ Мабрур — мақбул ҳажнинг фазилати:

1. Абу Ҳурайра разияллоху анхудан ривоят қилинди, у деди: Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Кимки ҳажда хотинлардан гап очмай (яъни, беҳаё гапларни гапирмай ва хотини билан яқинлик қилмай), гуноҳлардан сақланса, онадан қайта туғилгандек покланади» (Муттафақун алайҳ)².

2. Абу Ҳурайра разияллоху анху ривоят қилиб деди: Пайгамбар соллаллоху алайҳи ва салламдан «Амалларнинг қайси бири энг афзал?» — деб сўрашганда, у зот соллаллоху алайҳи ва саллам: «Оллоху Расулига иймон келтириш», — дедилар. «Сўнгра қайси?» — дейилганда, «Оллоҳ йўлида жиҳод қилиш», — дедилар. «Сўнгра

¹ Бухорий (969).

² Муттафақун алайҳ: Бухорий (1521) ва Муслим (1350). Ҳадис Имом Бухорийнинг лафзи.

кайси?» — дейилганда, «Мабрур — қабул бўлган ҳаж», — дедилар. (Муттафақун алайх)³.

➤ **Аёллар қиладиган жиҳоднинг энг афзали:**

Ойша разияллоху анҳодан ривоят қилинди: «Эй Оллоҳнинг Расули, жиҳодни энг афзал амал деб биламиз, шундай экан, биз жиҳод қилмаймизми?», деди, шунда Пайгамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Сиз (аёл)лар учун энг афзал жиҳод — мақбул ҳаждир», дедилар (Имом Бухорий ривояти)⁴.

➤ **Умранинг фазилати:**

Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қиладиларки: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Умра кейинги умрагача гуноҳларга каффорат. Мақбул ҳажнинг мукофоти эса жаннатдан бошқа нарса эмас», дедилар (Муттафақун алайх)⁵.

³ Муттафақун алайх: Бухорий (1519) ва Муслим (83). Ҳадис Имом Бухорийнинг лафзи.

⁴ Бухорий (1520).

⁵ Муттафақун алайх: Бухорий (1773) ва Муслим (1349). Ҳадис Имом Бухорийнинг лафзи.

